



## Ўзбекистонда Туристик Марказлар Типологияси

*Шарипова Наргиза*

*Гид экскурсовод ансамбля регистон*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистондаги барча шаҳарларни зиёрат туризмини ривожлантиришида ахборот технологияларидан фойдаланиши самарадорлигини оширишига қаратилган бўлиб, унда туристик маҳсулотларни ташкил қилишида ахборот коммуникация технологиялари орқали такомиллаштириши масалалари кўриб чиқилган ҳамда, улар асосида зиёрат туризм харитасини яратиш ва зиёратчиларга қулайликни яратиш ва амалга ошириши вазифаларни белгилаб берилган.

**Калим сўzlari:** типологик, юнеско, unwto, туристик, тухоро, маданий, инфратузильма.

**Кириш:** Туристик маршрутларнинг бўғини ва энг оддий бирлиги сайёхлик маркази - шаҳар, табиий обьект, жамланган туристик ресурслар асосида туристик ва экскурсия хизматлари комплекси яратилган худуднинг бўлими хисобланади. Бундай мажмуя сайёхлар учун турар жой бинолари, умумий овқатланиш корхоналари, савдо корхоналари, спорт иншоотлари ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат. Ахоли пунктларида туристик марказни шакллантириш илмий тадқиқотларида туристик мажмуалар ва муассасалар яратилишига таъсир кўрсатадиган, ижтимоий-иктисодий ва маданий мухитда шаҳарни шакллантириш функциясининг мумкин бўлган йўналишларидан бири сифатида қаралади [7].

Ўзбекистон ва чет элдаги шаҳарлар туристик мухитларни таснифлаш, ҳамда таҳлил қилиш сайёхлик марказларининг меъморий ва ландшафт мухитини шакллантириш қонуниятларини ўрнатишига имкон берди. Тадқиқот ишлари туристик ва рекреацион марказлар, сайёхлик муассасалари ва мажмуаларини, худуднинг типологик тузилишини таснифлаш ва тизимлаштириш соҳасидаги назарий асарларни ўрганишга, шунингдек, туристик марказларни яратиш бўйича маҳаллий ва дунёдаги лойихалаш амалиётiga асосланган. Туризм учун хизмат кўрсатиш, ҳамда уни амалга ошириш учун меъморий мухит элементларини ривожлантириш, тизимлаштириш ва даврийлаштириш, туристик марказларнинг типологик хусусиятлари ўрганилган ҳолда маҳаллий ва хорижий амалиётларга асосланиб уларни таснифлаш, шакллантириш мезонлари баён қилинди [ил. 1-2].

Структуравий хусусиятлар бўйича илмий тадқиқотларда қабул қилинган туристик марказлар типологиясининг асослари қуйидагилардир [11]:- 30 -

- сайёхлик салоҳиятга эга обьектларни гурухлаб режалаштириш ва жойлаштириш;
- сайёхлик шаҳар тузилмаларини функционал-минтақавий ташкил этиш;
- шаҳарнинг тузилишига туризмнинг таъсири;
- етакчи туристик функция ёки етакчи функциялар мажмуаси;



- мавсумий эксплуатацияга қараб туристик фаолият типологияси ва унинг худудий локализацияси;
- туристик мажмууларнинг мавсумийлиги.

UNWTO томонидан таклиф қилинган туристик марказлар классификациясини тузишда энг муҳим нарса шаҳарларнинг сайёхликка йўналтирилганлигини хисобга олиб, бешта ихтисослашган турга ажратилган: маданий туризм марказлари, воқеа туризм марказлари, курортлар ва тиббий туризм марказлари, зиёратгоҳлар марказлари, ҳалқаро туризм марказлари [10].

Туристик марказларнинг типологиясини миқдорий жиҳатдан аниқлаштириш - ихтисослашишdir, у “типик хусусиятлар”нинг намоён бўлиш ўлчови сифатида хизмат килади. Туристик марказларнинг типик хусусиятлари туризмнинг объектив ва субъектив томонларини, яъни туристик ва рекреацион ресурсларнинг мавжудлиги ва аҳолининг туристик мотивациясини ўзаро боғлади [5].

Туристик фаолият турларининг концентрациясига кўра, сайёхликнинг мақсадли функциялари амалга ошириладиган ихтисослашган туристик марказлар ажратилади - бу туризмнинг ҳар хил турларини алмаштириш учун хосдир. Дам олувчиликнинг бўш вақтлари миқдори ва туристик марказнинг ихтисослашув даражаси ўртасида боғлиқлик мавжуд. Дам олувчиликнинг бўш вақти қанча кўп бўлса, уларга шунча ихтисослашган туристик тизим керак [11].

Туристик марказ муҳитини ташкил қилишнинг замонавий тизимини тарихий Европа шаҳарлари мисолида кўриш мумкин, бу ерда тарихий - 31 -

шаҳарларни ва маданий мерос объектларини асрараш, сақлаб қолиш туристик функцияларни жалб қилиш орқали эришилади [7]:

**1. Маданий-маърифий туризм марказлари.** Ушбу турга маданий мерос объектлари ва экскурсия, илмий ёки саргузашт туризмини амалга ошириш учун қизиқ бўлган бошқа меъморий ва сайёхлик салоҳиятига эга бўлган тарихий шаҳарлар киради [41]. Самарқанд, Шахрисабз, Хива, Бухоро, Кўқон каби шаҳарларни мисол келтириш мумкин.

Бу турнинг ичida алоҳида шаҳар-музейларни кичик гуруҳига бўлиш мумкин. Масалан, Хоразм вилоятининг қадимги Хива шаҳри (Иchan Қalъa) 1990 йилда шаҳар «ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхати»га киритилган. Ўзбекистонда ўзининг тарихий меъморий кўринишини тўлиқ сақлаган Ўрта асрларнинг ягона шаҳри;

**2. Воқеа туризми марказлари.** Замонавий сайёхлик марказларида турли миқёсдаги ва мавзулардаги маданий ва спорт тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда: глобал аҳамиятга эга, миллий, маҳаллий тадбирлар. Воқеалар туризми сайёҳларнинг мавсумийлиги билан ажралиб турадиган туристик ва рекреацион зонага бир марталик оммавий оқими. Туристик марказни ташкил этишда ҳар хил миқёсдаги тадбирлар сайёҳларни жалб қилишнинг асоси ҳисобланади. Воқеалар туризмининг асосини турли хил ҳалқ байрамлари, санъат, кино, мусика фестиваллари, спорт мусобақалари, ярмаркалар, бизнес кўргазмалар, иқтисодий форумлар ва бошқалар ташкил этади [8]. Шаҳарларнинг тадбир марказлари гуруҳига қўйидагилар киради: Бойсун (Бойсун баҳори фестивали), Самарқанд (Шарқ тароналари), Хива (Лазги фестивали), Кўқонда (Кўқон Ҳалқаро ҳунармандчилик фестивали) ва бошқалар;

**3. Курортлар ва даволаниши туризм марказлари.** Улар маълум турдаги ва сифатли табиий ресурслар билан таъминланган жойларда пайдо бўлади. Ушбу туристик марказга



қүйидагилар киради: Римини, Ессентуки, Сочи, Салоу, Корфу, Дубровник ва бошқалар [11]. Республикаизда Зомин, марказларини мисол келтиришимиз мүмкін.

Чорток курортларва тиббий туризм марказларини мисол келтиришимиз мүмкін. Сүнгги пайтларда ушбу турдаги шаҳарлар бир қатор ўзгаришларга дуч келмоқда ва уларнинг ривожланишида янги тенденциялар пайдо бўлди: курорт шаҳарлари, кўп холларда, табиий шароитларга боғланган. Бундай шаҳарларнинг ривожланишидаги асосий муаммо бу туристик фаолиятнинг мавсумий тебранишларидир.[13];

**4. Зиёратгоҳ марказлари.** Туристик марказнинг мухим диний жойлар, тадбирлар ва зиёратгоҳлар билан чамбарчас боғлиқлиги. Туризмнинг ушбу турини “iconicbuilding” (“рамзий бинолар”) ноёб объектларига йўналтирилган меъморий зиёратга ҳам киритиш мүмкін. Ушбу сайёхлик марказларида зиёратчиларнинг диний байрамларда зичлиги кузатилмоқда[11]. Шаҳар-зиёратгоҳ марказлари таркибиغا қуйидаги шаҳарларни мисол келтириш мүмкін: Макка, Мадина, Ватикан, Куддус, Хайфа шаҳарлари, Республикаизда халқаро миқёсда зиёротгоҳ марказларига Самарқанд, Бухорова Термиз шаҳарларини мисол келтиришимиз мүмкін. Сайёхлар, асосан юқори даражадаги маълумотга ва шаҳар тарихига, музейларга қизиқиш билдиришади.

Бугунги кунда туристик фаолиятни амалга ошириш турлари ҳамда шаклларининг кўпайиши уларнинг ўзаро алоқаларинин гмустаҳкамланиши, шунингдек, аниқланган типологик белгилар асосида, замонавий туристик марказларни туристик фаолиятнинг асосий турларини ажратиш ва туристик ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан таснифлаш зарурати туғилмоқда [13] Ривожланган типология “фаолият принципи”га асосланади, унга кўра туристик марказ сайёхларнинг ўзига хос рекреацион мақсадлари, мотивацияси ва эҳтиёжларини амалга оширадиган хизматларнинг бутунтурини тақдим этишга имкон беради[6]. Ихтисослашган туристик марказлар туристик фаолият турларининг концентрация даражасига қараб ажратилади, бунда саёҳатнинг мақсадли ва универсал функциялари амалга оширилади, унда сайёхлик турлар турлича ўзгариб туради [11].

Натижада тегишли турларга эга туристик фаолиятни ташкил этишда иштирок этадиган етакчи таркибий қисмлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси учун тўртта туристик марказлар аниқланди [ил. 1-9]:

1-тоифа - маданий-маърифий туризм маркази. Саноат маркази, тарихий ва маданий марказ, илмий марказ.

2-тоифа - воқеа туризми маркази. (миқёси даражалари бўйича фарқланади): глобал аҳамиятга эга воқеалар маркази, миллий ва маҳаллий аҳамиятга эга воқеалар маркази.

3-тоифа - экотуризм маркази. (Сиёб каналлари, Зарафшон дарёлари бўйлаб экотуристик марказлари).

4-тоифа - зиёрат марказлари.

Диний туристик марказлар, меъморий зиёратгоҳлар.

Диний туристик марказлар, зиёратгоҳларни харитаси Бухоро мисолида .



**SITORAI-MOHI HOSA**

Entry into the Sitorai-Mohi Hosa  
White hall  
Patio  
The room called "Shatranja"  
Banquet hall  
Mirzahona  
Tea pavilion  
Guest building  
Female building  
Palacial summer pavilion

NAZZAR ILOVASI BILAN MUZEY HAQIDA KO'PROQ MA'LUMOT O'CHI  
1-qadam: NAZZAR dasturini yuklab oling va o'maling  
2-qadam: Smartfon kameralini bo'lalar raqamiga yozing  
3-qadam: Muzei bilan interaktiv tarzda tanishish uchun, op'shimcha dasur tarkibini yuklab oling  
\* Smartfoningizni tasvir to'liq ko'rsatishlari shakida ushlab turing

УЗНАЙТЕ БОЛЬШЕ О МУЗЕЕ С ПРИЛОЖЕНИЕМ NAZZAR!  
Шаг 1: Скачайте и установите приложение  
Шаг 2: Наведите камеру смартфона на изображение со зеленым кружком  
Шаг 3: Дождитесь загрузки дополнительного контента для зоны с зеленым кружком в интерактивном режиме  
\* Держите смартфон так, чтобы обозначенное изображение полностью отображалось на экране

RU  
FIND OUT MORE ABOUT THE MUSEUM WITH NAZZAR APPLICATION  
Step 1: Download and set up NAZZAR Application  
Step 2: Point the smartphone camera at the image specified  
Step 3: Wait until the additional content for the museum online encounter is loaded  
\* Hold your smartphone to have the chosen image fully displayed.

DE  
AVAILABLE IN 3 LANGUAGES  
ENGLISH  
RUSSIAN  
UKRAINIAN

Download the NAZZAR app for free!

① QR code  
② Smartphone camera pointing at a QR code  
③ Smartphone displaying additional content from the QR code

### Адабиётлар рўйхати

- Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги ЎРҚ-549 сонли Қонуни 18.07.2019. <https://lex.uz/docs/4428097>
- Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги 1999 й. 20 августадаги N 830-I сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/75375>
- Булатова Е.К. Формирование архитектурной среды туристского центра для малых и средних городов (на примере Южного Урала): диссертация канд. архитектуры: 05.23.20 // -Н.Н., 2014. -213 с.
- Булатова Е.К., Ульчицкий О.А. Архитектура туризма и туристических комплексов: учебное пособие / ФГБОУ ВО "Магнитогорский государственный технический университет им. Г.И. Носова" 2017. 85 с.
- Orbasli A. Historic towns: Tourism, conservation, development, with particular reference to turkish towns / The University of York (United Kingdom) 1994.-278 p
- Зорин И.В., Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма: [Справочник] / Рос. междунар. акад. туризма. - М.: Финансы и статистика, 2001. - 364 с.
- Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги 1999 й. 20 августадаги N 830-I сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/75375>
- Биржаков М.Б. Введение в туризм // СПб.: Изд. Дом Герда, 2001. - 320 с.
- Усманова З. Худудий объектларнинг туристик-рекреацион салоҳиятини баҳолашнинг назарий масалалари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар // илмий электрон журнали №2, март-апрель, 2017 й.
- Григорьев В.И., Симонов В.С. Стратегия формирования индустрии рекреации. // -СПб.: Инд по СПбГУЭФ, 2006.



11. Булатова Е.К., Ульчицкий О.А. Архитектура туризма и туристических комплексов: учебное пособие / ФГБОУ ВО "Магнитогорский государственный технический университет им. Г.И. Носова" 2017. 85 с.
12. Биржаков М.Б. Введение в туризм // СПб.: Изд. Дом Герда, 2001. - 320 с.
13. Булатова Е.К. Формирование архитектурной среды туристского центра для малых и средних городов (на примере Южного Урала): диссертация канд. архитектуры: 05.23.20 // -Н.Н., 2014. -213 с.
14. Енин А.Е. Градостроительное развитие малых исторических городов Черноземья // Научный вестник Воронежского ГАСУ. Строительство и архитектура. - 2008. - №4 (12). - С. 9-18.
15. Кусков А.С. Основы туризма: учебник / А.С. Кусков, Ю.А. Джалаадян. КНОРУС 2008, - 400 с.